

**ЁШ БОЛАЛАРДА ЎПКА КАСАЛЛИКЛАРИДА УЧРАЙДИГАН  
ЭНДОКРИН ТУЗИЛМАЛАРИ ГИСТОЛОГИЯСИ****ЮЛДАШЕВА Н. Б****ХУСАНОВ Т. Б***Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети*


**Аннотация.** Ўпканинг эндокрин тузилмалари якка-якка жойлашган хужайралар (апудоцитлар) ва нейроэпителиал таначалардан иборатдир (НЭТ). Улар ўпка гистогенези даврида муҳим регулятор вазифа бажаради. Болалар ўпкасида учрайдиган яллиғланиш жараёнида апудоцитлар ва НЭТда учрайдиган ўзгаришлар етарлича ўрганилмаган. Тадқиқотимизнинг мақсади болалар пневмониясида ўпка эндокрин аппаратини ўрганишдан иборатдир. Мақсадимизга эришиш учун ҳар хил ёшда пневмониядан нобуд бўлган болалар ўпкаси бўлакчалари олинди. Буэн суюқлигида қотирилганда ва парафин ёрдамида зичлаштирилгандан кейин олинган кесмалар Гримелиус усулида кумуш нитрат тузи билан импрегнация қилинди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрстадики, пневмония билан касалланган болаларда апудоцитлар ва НЭТнинг гиперплазияси кузатилади. Морфологик жиҳатдан болалар ўпкаси яллиғланиш патологиясида эндокрин аппаратнинг функционал фаоллигининг ошиши кузатилади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ушбу органнинг яллиғланиш патологияси бўлган болаларда ўпка АПУД тизимининг эндокрин хужайраларидаги ўзгаришлар динамикасини аниқлаш .

**Материал ва усуллар.** Тадқиқот материали сифатида ўткир ва сурункали пневмония билан оғриган болаларнинг ўпка тўқимасидан фойдаланилди (14 та ҳолат). Ушбу гуруҳ билан таққослаш мақсадида ўпкадан ташқи патология билан оғриган болаларнинг ўпка тўқимаси (5 та ҳолат) назорат гуруҳи сифатида олинди. Болаларнинг ўртача ёши 7 кундан 4 ёшгачани ташкил қилди. Ҳар бир ўпкадан 5-7 дона бўлак кесиб олиниб Буэн суюқлигига қотириш мақсадида жойлаштирилди. Парафинли кесмалар Ван-Гизон ва Вейгерт усуллари ва гематоксилин-эозинда бўялди. Эндокрин хужайраларни аниқлаш учун кесмалар Гримелиус усули бўйича импрегнацияланди.

**Натижа ва муҳокамалар.** Назорат гуруҳидаги янги туғилган чақалоқларнинг ўпка тўқимасида фақат баъзи бронхларда жуда кам миқдорда 1-2 дона апудоцитлар ва онда-сонда нейроэпителиал таначалар (НЭТ) учрайди. Ўпканинг респиратор бўлимида апудоцитлар ва НЭТ таначалари аниқланмади. 1-4 ёшдаги болаларда ҳам эндокрин тузилмалар сони кам учрайди. Одатда болалар ўпкасининг яллиғланиш жараёни кенг тарқалган бўлади. Бундай

ҳолатларда, яллиғланиш бир нечта сегментларни, бўлақларни ёки ҳатто ўпка тўқимасини тўлиқ қамраб олади. Турли калибрдаги бронхларда лимфоцитлар ва нейтрофиллар кўп миқдорда бўлиб, эпителий тўқимаси дистрофия ҳолатидалиги кузатилади. Бронх бўшлиғида десквамацияга учраган эпителий ҳужайралари, шунингдек, фибрин толаларининг тўпланиши аниқланди. Алвеола бўшлиқлари суяқлик билан тўлган бўлиб, у геморрагик табиатга эга бўлиши мумкин ва кўплаб нейтрофиллар ва макрофагларни ўз ичига олади. Йирик ва кичик томирлар спазм ҳолатида бўлиб, адвентиция қавати шиш ҳисобига қалинлашади. Коллаген толаларининг ёпишқоқлиги ортиб, уларда пикринофилия ўчоқлари аниқланади. Лимфостаз ривожланади. Касалликнинг давомийлиги ортиши билан бронхлар ва респиратор бўлимининг лимфоцитлар инфилтрацияси кучаяди, периваскуляр склероз кузатилади. Ҳар хил ёшдаги болаларда ўпканинг яллиғланиш касалликларидан олинган кесмаларда, бронхнинг деярли барча қисмида 5-6 тагача апудоцитлар ва кам миқдорда НЭТ таначалари учрайди. Йирик ва ўрта калибрли бронхлар деворида кичик бронхларга нисбатан эндокрин тузилмалар кўпроқ учрайди. Шунини таъкидлаш керакки, яллиғланиш патологиясида ҳам очик, ҳам ёпиқ типдаги эндокрин ҳужайралар аниқланади. Одатда очик типдаги апудоцитлар яқка тартипда жойлашади. Бу ҳужайралар чўзилган ёки дуксимон шаклга эга бўлиб, уларнинг апикал юзаси бронх бўшлиғи қараган ва юзасигача етиб борган булади. Агар апудоцитлар гиперплазияси қайд этилса, уларнинг кўпчилиги эпителий пластининг чуқур қатламларида жойлашади ва бронх бўшлиғига юзасигача етиб бормайди, яъни ёпиқ типдаги эндокриноцитлар ҳисобланади. Бундай ҳужайраларнинг шакли юмалоқ бўлади. НЭТ да асосан ёпиқ типдаги эндокрин ҳужайралар мавжудлиги аниқланди. НЭТ нинг юқори юзаси эпителий ҳужайралари билан қопланган (1-расм).




Расм 1. Респиратор бўлим апудоцитлари ва НЭТ. 46 кунлик бола упкаси.

Ўткир бронхит. Гримелиус усулида импрегнация. Об.100, ок.10.

Бемор болаларнинг ўпкасидаги эндокрин тузилмалар нафақат кўплиги,

балки ўсимталари ҳисобига базал мембранага етиб бориши билан характерланади (расм 2).



Расм 2. Бўлакчалараро бронхнинг кўп миқдордаги эндокрин ҳужайралари.  
2 ойлик бола ўпкаси. Септик пневмония. Гримелиус усулидаги импрегнация.  
Об.16, ок.10.

Ўпканинг респиратор қисмида НЭТлар апудоцитларга қараганда кўпроқ аниқланади. Респиратор қисмда апудоцитлар ва НЭТлар одатда бронхиолаларнинг алвеолар йўлларида ўтиш соҳасида жойлашади. Ушбу соҳаларда НЭТдаги ҳужайралар сони нисбати катта фарқ билан ўзгариб туради.

Сўнгги йилларда қилинган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, диффуз эндокрин тизим ҳужайраларининг кўпгаб гормонлари трофик хусусиятларга эга. Шу билан бирга, аниқланишича гормонларнинг нафақат трофик вазифани бажаради, балки уларнинг ҳужайраларнинг пролиферациясини ҳам кўчайтиради [5]. Биздаги олинган маълумотлар болаларда ўпка тўқимаси яллиғланиш жараёнларида эндокрин тузилмалар миқдорининг кўпайишини ва ўсимталарнинг узайишини кўрсатди. Бу гомеостазнинг ўзгарган шароитида эндокрин аппаратларнинг функционал фаоллиги ошишини акс эттиради.

**Хулоса:** 1. Ўпка касаллиги бўлмаган ёш болаларнинг ўпка тўқимаси эндокрин аппарати кам миқдордаги апудоцитлар ва нейроэпителиал таначалардан ташкил топган.

2. Ўпкада яллиғланиш жараёни ривожланиши натижасида эндокрин аппаратнинг ҳар иккала компоненти таркибининг ортиши кузатилади.

3. Ўпка эндокрин аппаратининг структуралари гиперплазияси ва ўзгариши уларнинг функционал фаоллигининг ошишидан далолат беради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Блинова С.А. Нейроэндокринная система органов дыхания. Клеточная биология легких в норме и патологии. Руководство для врачей / под ред. Ерохина и Романовой Л.К. Москва, 2000. - С. 221-234.
2. Блинова С.А., Орипов Ф.С., Рахмонова Х.Н., Юлдашева Н.Б. Морфофункциональные свойства нейроэпителиальных телец респираторного отдела легких // Проблемы биологии и медицины. - 2020. -№1.- С. 181-183.
3. Блинова С.А., Хамидова Ф.М., Исмаилов Ж.М. Состояние иммунных и регуляторных структур слизистой оболочки бронхов при патологии легких у детей. Тиббиётда янги кун. Бухара.- 2020.- 2/1, (29/1).- С. 104-105.
4. Яглов В.В. Новые концепции биологии диффузной эндокринной системы: итоги и перспективы её изучения / В.В. Яглов, Н.В. Яглова // Вестник Российской академии медицинских наук. - 2012. – Т. 4. - С. 74-81.
5. Blinova S.A., Khamidova F.M., Urakov K.N. Endocrine structures of the lungs in ontogenesis and in children with pneumonia // The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research. 2020. - V.2, N9- P. 19-22.
6. Linnoila R.I. Functional facets of the pulmonary neuroendocrine system // Laboratory Investigation. - 2006. -Vol.86. - P. 425-444.